



Тадбиркорлик

ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАН КОРХОНА

ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-қўВВАТЛАШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНЛИГИ КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕС РИВОЖИДА ЯҚҚОЛ АКС ЭТМОҚДА. АЙНИҚСА, ДОИМИЙ БАНД БўЛМАГАН ФУҚАРОЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲИССАЛАРИ САЛМОҚЛИ БўЛМОҚДА.

Шаҳримизда 2006 йилдан фаолият кўрсатаётган «SHER SAN TRANS» хусусий корхонаси жамоаси ҳам ушбу соҳа ривожига қаратилаётган эътибордан, берилган ҳар бир имкониятдан ўрнида фойдаланган ҳолда меҳнат қилиб, икки йил давомида 20 нафар фуқароларга иш ўринлари яратди.

Мазкур хусусий корхона аҳли ҳозирда ички бозорга сифатли ва рақобатбардош резина маҳсулотлари—манжет, етукла каби бутловчи қисмларни етказиб бермоқда. Ушбу 40 турдаги товарларнинг барчаси ма-


ҳаллий хом ашё—Оҳангародан келтириладиган резинадан тайёрланади. Маҳсулотлар сифатига қаратилаётган асосий эътибор, ички бозорни чуқур ўрганиш асосида йилдан-йилга товарлар турлари кўпаймоқда.

Корхона цехларида ўрнатилган дастгоҳ ва усқуналар малакали ишчиларга ҳақиқий мададор бўлмоқда. Жамоанинг асосий буюртмачиси—«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси билан узоқ йиллик шартнома имзоланган. Корхона жамоаси чуқур из-

ланишлар асосида йилдан йилга иш сураётини ошириб бермоқда. Чунинчи, корхона ташкил этилган 2006 йилда 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган 2007 йилда бу кўрсаткич 272 миллион сўмликни ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи

чорагида эса 1 миллиард сўмлик резина маҳсулотлари буюртмачиларга етказиб берилди. Корхона тадбиркорлари йилни янги режалар ва муваффақиятлар билан бошлашди. Йил охиригача эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига яна 26 турдаги маҳсулот турларини яратишни мақсад қилишган. Асосийси, корхона тадбиркорлари ёшлар учун янги иш ўринлари очишни режалашган.

—Президентимиз 2007 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яку-



нариги ривожлантириш якунига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида, — дейди хусусий корхона раҳбари Санобар Худойназарова, — кичик бизнесни нафақат сон жиҳатидан, балки уни аввало сифат жиҳатидан ҳам ривожлантириш, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш даркорлигини таъкидлаб ўтдилар. Шубҳасиз, бу рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп товарлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ялли ички маҳсулот

таркибидagi улушини янада оширишда муҳим омил бўлади. Биз ҳам шундай натижаларга эришишга интилиб, фаолият кўрсатмоқдамиз. «SHER SAN TRANS»чилар эҳтиёж талаб резина маҳсулотлари турларини кўпайтира бориш билан бирга, уларнинг хизмат муддатларини узайтириш устида ҳам изланмоқдалар. «Изланганга—толе ёр» деган нақлга амал қилган ҳолда хусусий корхона жамоаси янги марраларини кўзлаган ҳолда меҳнат қилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: корхона маҳсулотлари харидорчилиги билан алоҳида ажралиб туради. Ҳакимжон Солихов олган суратлар



ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА ТУРКИЯ ДАВЛАТИНИНГ «ИНТЕР АТЛАС ЭКСПО КО. ЛТД» КОМПАНИЯСИ ВАКИЛЛАРИ, ЕТАКЧИ МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОКИДА «Тўқимачилик ҳамда қишлоқ хўжалик соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш» МАВЗУИДА СЕМИНАР-ЙИГИЛИШ ЎТҚАЗИЛДИ.

Семинарлар

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АСОСДАГИ ҲАМКОРЛИК

Мазкур семинарда пойтахтимизда фаолият юритаётган кичик корхоналар, фирмалар, хусусий бизнес субъектлари ҳам қатнашди. Йиғилишни кириш сўзи билан очган Республика Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасининг бошлиги Шавкат Мирзаев туркиялик ишбилармонларнинг юртимизга тўрт кунлик ташрифи икки давлат учун ҳам самарали бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтди, боиси республикамиз иқтисодиётини юксалтиришда инвестицияларнинг аҳамияти катта.

Ишлаб чиқариш тармоғини молияловчи асосий омиллардан бири, бу ички ва ташқи инвестициялардир. Яратилган кулай инвестиция муҳити биринчи навбатда юртимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик билан тавсифланади. Пре-

зидентимизнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, иқтисодий ўсишга эришишда, авваломбор кенг кўламли, тизимли бозор ислохотларни жорий этиш ва ҳорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилиши катта аҳамиятга эга. Хусусан, ҳозирги кунда республикамиз ташқи савдо айланишининг ўндан бир қисми ҳорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўри келмоқда, уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши эса 60

фоизни ташкил қилмоқда, пойтахтимизда фаолият юритаётган ҳорижий корхоналарнинг (тўқимачилик соҳасида) тўқсон фоизи туркиялик ишбилармонлар ҳиссасига тўри келмоқда.

Семинарда иштирок этган «INTER ATLAS EXPO Co.LTD» компанияси директори Таш Ғаждер, «YURSAN YUREKLI TEKS SAN» компанияси раҳбари Юрекли Муҳитдин (тўқимачилик машиналари ҳамда уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи соҳадаги етакчи), Ердем Озер, Озбай Гохан (металл, гидравлик насос ишлаб чиқарувчи)лар ва бошқалар сўз олиб, Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар ҳорижий сармоядорлар билан ҳам ҳамкорликни янада кенгайтиришга пухта замин ҳозирлаётганини айтиб ўтишди. Асосийси, яратилган шартшароитлар ва имтиёзлар боис ҳам ҳорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортоқда, ҳамкорликдаги корхоналар сафи кенгаймоқда, деб таъкидлашди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган семинар давомида иккала давлатнинг ишбилармон доираси вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга тўла жавоб олишди, қатор муҳим масалалар улар ўртасида ўтказилган корпорацион биржа йиғилишида кўриб чиқилиши белгиланди.

(Ўз муҳбиримиз)

ИШОНЧЛИ ВА ДОИМИЙ ҲАМКОР

ЎТГАН ЙИЛИ УКРАИНА ДАВЛАТИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚА ҚИЛУВЧИ МАМЛАКАТЛАР ОРАСИДА УЧИНЧИ ЎРИНГА КўТАРИЛДИ.

—Бор-йўғи бир йил илгари биз бу давлатлар орасида олтинчи ўринда эдик, — дейди Украинанинг Ўзбекистондаги элчихонаси иқтисодий миссияси раҳбари В.Краснянский. —Хозирга келиб эса савдо ва иқтисодий ҳамкорлик кўлами борасида Туркия, Хитой ва Корея давлатларидан кейинги ўринда турибмиз. Бу шубҳасиз ҳар иккала давлат ўртасидаги ҳамкорлик кўлами ошаётганидан, ўзаро ишонч мустаҳкамлангангадир далолат беради.

Элчихона вакилининг таъкидича, ўтган йилда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш кўлами 1059,9 миллион АҚШ долларини ташкил этган. 2006 йилга таққосланганда бу кўрсаткич қарийб 70 фоизга ошганлиги кўринади. Эътиборлиси эса Украинадан 430 миллион долларлик товар мамлакатимизга экспорт қилинган бўлса, мамлакатимиздан импорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 629,9 миллион долларни ташкил этган.

Ўзбекистонга Украинадан металлургия санояти маҳсулотлари, машинасозлик ва кимё санояти товарлари харид қилинган бўлса, ўз навбатида мамлакатимиз ҳамкорлига табиий газ, транспорт воситалари, электротехника маҳсулотлари етказиб берган.

Икки томонлама фойдали ҳамкорликда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳам оқсалиш кўзга ташланди. Йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича Украина мамлакатимиз билан савдо ва иқтисодий алоқа қилаётган давлатлар орасида иккинчи ўринга чиқиб олди. Бу борада нефтьга санояти, кимё, фармацевтика ва машинасозлик соҳаларидаги товар айирбошлаш муҳим ўрин эгаллади.

«Туркистон-пресс»

БОЛГАРИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХОТОР ЭЛЧИСИ СТОЯНА РУСИНОВНИНГ ВАКОЛАТ МУДДАТИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.

ЭЛЧИНING ЭЪТИРОФИ

— Мен Ўзбекистондаги уч йиллик фаолиятимдан ниҳоятда мамнунман, — деди ваколати тугаши муносабати билан ўтган тадбирда С.Русинова. — Ўтган давр мобайнида мамлакатингизда рўй берган улкан ўзгаришлар ва барқарор ривожланишнинг гувоҳи бўлдим. Ўзбекистоннинг кўпбаллаб шаҳарлари кўз ўнгимда қайтадан қад ростилади, замонавий ва гўзал масканга айланди. Тошкентни яхши кўришимнинг асосий сабабларидан бири, бу заминда мен таваллуд топганман. Бу шаҳар доимо менинг болалигимни ёдга солиб туради.

Тошкентда бўлган даврим, бу гўзал диёрни, бетакрор инсонларини, ўзига хос маданият ва санъатини яқиндан ўрганишимга имкон яратди. Аммо биланманки, бу ўрганганларим денгиздан томчи холос, чунки, эртаси ҳам тарихи каби буюклигига шубҳа йўқ бу юртинг тарихи ва маданий меросини ўрганиш учун бир неча ҳаёт ҳам камлик қилади. Мен эса тақдирдан, гарчи қисқа муддат бўлсада, шундай гўзал заминда оққўнғил ва меҳмондўст халқ орасида бўлишдек бахт насиб қилганидан миннатдорман.

Кетаётган бўлсамда, икки халқ ўртасида давом этаётган ишончли ва мустаҳкам дўстлик, янги босқичга кўтарилаётган иқтисодий ва маданий ҳамкорликда озми-кўпми ҳиссам борлигидан хурсандман.

«Туркистон-пресс»

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

МАМЛАКАТДА КўППАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БўЙИЧА ИЗЧИЛ ИШ ОЛИБ БОРУВЧИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ—ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ИХТИЁРИЙЛИК АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН, ДАРОМАД ОЛИШНИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ҚИЛИБ ОЛМАГАН ҲАМДА ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЎЗ ҚАТНАШЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ТАҚСИМЛАЙДИГАН ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ТАШКИЛОТИДИР.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишнинг, улар фаолиятининг, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг хусусиятлари махсус қонунлар билан тартибга солинади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин.

Давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашмишига, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашмишига йўл қўйилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига кириши, улар билан тўғридан тўғри халқаро алоқалар ўрнатиши, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилоти тегишли тартибда дав-

лат рўйхатидан ўтказилгандан кейин юридик шахс эга бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига тақлифлар киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

уставада белгиланган вазифаларини бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколат-хоналар очиб ва филиаллар ташкил этиш.

қолмайдилар. Улар аъзо сифатида қатнашаётган жамоат бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашма эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкӣ бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолари бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат жамғармаси деб эътироф этилади.

Жамоат жамғармасига унинг муассислари ёки васият қилувчи томонидан ўтказилган мол-мулк жамғарманинг мулкидир. Жамғарма муассислари ёки жамғарма васиятнома бўйича ташкил этилганда васиятномани ижро этувчи жамғарманинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, жамғарма эса муассисларнинг ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамоат жамғарманинг мол-мулкдан жамғарма уставига белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланилади.

Жамоат жамғармаси ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот ёзган қилиб бориши шарт.

Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этилади.

Ўз уставига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет эл давлати ҳудудида фаолият олиб бориши мумкин бўлган халқаро ташкилот халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти деб ҳисобланади.

Умид РАСУЛОВ, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими

Иқтисодиёт

ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИНГ БОЗОРНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ЯНГИЛИНИ БОРИШИ, АЛБАТТА ХАРИДОРЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Ана шунини ҳисобга олган «ИСТ БАТТЕР-ФЛЯЙ» Ўзбекистон — Ҳиндистон — Швейцария қўшма корхонаси тадбиркорлари маркетинг ишларини яхши йўлга қўйган ҳолда харидор дид ва талаби асосида изланишлар олиб бормоқда. Шу боис ҳам корхонада тайёрланган ранг-баранг халқ истеъмоли буюмларига нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлар сафи ортиб бормоқда. Улар тайёрлаган маҳсулотларнинг Афғонистон, Туркменистон сингари қўшни давлатларга экспорт қилинаётгани бунинг яққол далилидир.

— Айтиш лозимки, корхонамиз Марказий Осиёда зангламас металл—пўлатдан ошхона буюмлари ва умумий овқатланиш шохобчалари учун замонавий жиҳозлар ишлаб чиқарувчи ягона жамоа ҳисобланади, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Нурдинов. — Маҳсулотларимиз сифат менежменти тизимининг ISO 9001:2000 халқаро стандарти талабларига тўла жавоб беради. Шунингдек, биз тайёрлаган буюмлар ўзининг ялтироқ жилосини 25 йилгача сақлаб туради.

Корхонанинг илк фаолияти даврида бир неча турдаги идишлар тайёрланган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг хили 70 дан ҳам ортиб кетди. Айниқса, улар орасида ҳар бир хонадонга керакли бўлган мантиқасқон, турли ҳажмдаги кастрюль ва чойнақлар, термос ва қошиқлар, ошхоналар учун мўлжалланган стол ва кивиш жиҳозлари, официантлар арава-вачалари чиройли дизайни билан харидоргирдир.

Жорий йилда тадбиркорлар янги идиш-товуқ буюмлари туркумланини ишлаб чиқаришга жорий этишмоқда. Энг муҳими эса, ушбу маҳсулотлар қулай, сифатли, мустаҳкамлиги билан четдан келтирилган шундай товарлар билан бемалол рақобатлашади.

РАҚОБАТБАРДОШ ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИ

САМАРАГА, КўЗЛАНГАН МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШНИНГ ЯГОНА ЙўЛИ ОМИЛКОРЛИК БИЛАН ИЗЛанишДИР. АНА ШунДАГИНА ИЗЛанишларингиз НАТИЖАСИ ҚўВОНАРЛИ БўЛАДИ.

Пойтахтимизда муваффақиятли фаолият юритаётган «Қамол топ» хусусий корхонаси меҳнат жамоаси ҳам маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош трикотаж маҳсулотлари тайёрлаб харидорларга етказиб бериш бораберида, кўпбаллаб товарлар турларини буюртма асосида Россия, Украина сингари мамлакатларга ҳам экспорт қилмоқда.

— Корхонамизда асосан эркаклар, аёллар ва болалар устки кийим-кечаклари тайёрланади, — дейди корхона менежери Акмал Турсоатов. — Цехларимиз тўқиш, бичиш, тиқиш ҳамда нахш солиш дастгоҳ ва машиналари билан жиҳозланган бўлиб, 20 нафардан зиёд хотин-қизлар иш билан таъминланган. Асосий хом ашё— ип калавани республикамизнинг Андижон, Наманган вилоятларидан оламиз. Айниқса, ўтган йилда эркаклар ва ўсмир болалар учун тайёрланган кўйлак ва футболкаларимиз, аёлларнинг ёзги халатлари харидорларга манзур бўлди.

Жорий йилда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳсулотнинг харидорини турларини талабларни ўрганган ҳолда кўпайтиришга саъй-ҳаракат қилаётган тадбиркорлар изланишларини давом эттиришмоқда. Хозирги кунда маҳсулотлар тури 60 хилдан ортиб кетди ва яна бир неча турдаги янги моделлар ишлаб чиқаришга жорий этилади.

ШОГИРДЛАР ТАЙЁРЛАМОҚДА

ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ ХАЛҚ АМАЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ ЭНГ НОЗИК ВА МУРАККАБ ЙўНАЛИШЛАРИДАН ҲИСОБЛАНДИ. УНИ МУКАММАЛ ЭГАЛЛАШ УЧУН ЭСА, АЛБАТТА, САБР-ТОҚАТ, ҲУНАРГА АСТОЙИЛ НАМҲР, ИНТИЛИШ КЕРАК БўЛАДИ.

Мирсаид Нигматов ҳам ёғоч ўймакорлиги билан болалигидан шуғулланади. У аввало хунар сирларни отасидан ўрганган бўлса, 15 ёшдан «Абулқосим» мадрасасига қатнаб устозлари Шухрат Азимов, Зийнатулла Алимбековлардан сабоқ олди, уларнинг ишларини кузатиб, ўргатганларини эринмай адо этди.

Ёғоч ўймакорлигининг паргорий йўналишида маҳсулотлар тайёрлаётган Мирсаид Нигматов ҳар бир буюм эскизини тайёрлашга ижодий ёндашди, миллийликка катта эътибор қаратади. У тайёрлаган ранг-баранг ёғоч ўймакорлиги буюмлари мадраса дўконларида харидорларга сотилмоқда.

Айни кунларда мадрасада муваффақиятли фаолият олиб бораётган ёш уста шогирдлар тайёрлашни ҳам бошлаб юборди. У ўз устозларидан ўрганганларини бугунги кунда қизиққан ёшларга ўргатмоқда. Шунингдек, ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари билан турли кўрғазма ва кўрик-танловларда ҳам фаол иштирок этиб, ушбу ҳунармандчилик ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

Куни кеча Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам ёшлар маънавиятини юксалтириш, баркамол шахсни камол топтириш мавзусида сўз борди. Туман «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг навбатдаги йиғилишида туман хотин-қизлар кўмитаси, корхона ва ташкилотлар, туман прокуратураси ва ИИБ вакиллари, туман ҳудудидаги бозорлар маъмурияти, илмий текшириш институтлари, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг

жойларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш юзасидан Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими раҳбари Халима Жуманиёзова сўзга чиқиб, бугунги кундаги энг долзарб вазифалар тўғрисида, жумладан ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг турли хил оқимларга кириб қолишларининг олдини олиш, гивъандлик, кашандалик сингари ёмон иллатлардан сақлашга, хунар эгаллашга, билим олишга ундашимиз лозимлигини таъ-

Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Иброҳим Абдуганиев.— Шу боис аҳоли ўртасида миллий гоё ва мафкура тушунарларини чуқурроқ тушунириш, диний ақидапарастликнинг, миссионерлик каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун тарғибот, ташвиқот ишларини янада жонлантириш, корхона ва ташкилотлар, олий ўқув юртликлари, коллеж ва лицейлар, мактабларда маънавий-маърифий ишларга

**МАЪЛУМКИ ЮРТОШЛАРИМИЗ «СПЕШАЛ ОЛИМПИКС», ЯЪНИ МАХСУС ОЛИМПИАДА ДАСТУРИ БЎЙИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИБ, МЕДАЛЛАР ШОДАСINI ҚЎЛГА КИРИТИБ КЕЛМОҚДАЛАР.**



**ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ**

Куни кеча шахримиздаги опера театрида ўтган йўли Хитойнинг Шанхай шаҳрида 15 та спорт тури бўйича ўтказилган мусобақаларда, шунингдек, Душанбе шаҳридаги теннис турнири ҳамда жорий йилда Тошкент шаҳрида «Спешал Олимпикс» дастури бўйича спорт гимнастикаси бўйича ташкил этилган жаҳон чемпионатидаги муваффақиятли иштироклари учун ёш чемпионлар ва уларнинг мураббийлари —Рашид Сафариевга Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия кўмитасининг соғвоналари топширилди. Бундан ташқари театр маъмурияти ҳам ёш спортчилар ва уларнинг ота-оналарига ўзига хос мукофот тайёрлади—улар 2008 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб бир йил давомида болалар спектаклларини бепул томоша қилишлари мумкин бўлади.

Шу куни тақдирлаш маросимидан сўнг ёш чемпионлар, уларнинг ота-оналари ва мураббийлари «Бремен мусиқачилари» спектаклини мириқиб томоша қилдилар, биргаликда суратга тушдилар.

Уйлаимики, бундай рағбатлар спортчиларни келгусида янги галабалар сари руҳлантиради.

(Ўз муҳбиримиз)

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**

**Алексей Попов олган суратлар**



**Туманларда Ёшлар маънавиятини юксалтиришга муҳим эътибор**

**МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТУБ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ ЭКАН, БУ ЭНГ АВВАЛО ШАХСНИНГ МАЪНАВИЙ ДУНЁСИНИ КАМОЛ ТОПИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ. ИНСОНДА МАЪНАВИЯТГА ЭҲТИЁЖ БЎЛМАСА, КАМОЛОТ САРИ ИНТИЛИШ БИЛАН БОҒЛИК ЗАРУРИЯТ ҲАМ БЎЛМАЙДИ. ЗЕРО, МАЪНАВИЯТ ЖАМИЯТ БАРКАМОЛЛИГИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР.**

маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари, халқ таълими бўлими, «Камолот» ЕИХ, «Маҳалла» жамғармасининг масъул ходимлари иштирок этдилар. Йиғилишда асосий эътибор Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ижросини ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш масалалари муҳокамага қаратилди. Тадбирда Мирзо Улуғбек туман «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Маънавият тарғибот бўлими томонидан олти ой давомида амалга оширилган ишлар ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг ижроси, миллий гоё тарғиботи,

кидлаб ўтди. Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъул ходими О.Ходжаев, Мирзо Улуғбек туман Маънавият тарғибот бўлими бош мутахассиси Ф.Хайитова, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ва «Гулшан» маданият уйи раҳбари Р.Юсупова ва бошқалар сўзга чиқиб туманда «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳамда маънавий-маърифий ишларнинг бориши тўғрисида тўхталиб ўтилди.

— Маънавияти юксак халқнинг келажаги буюк бўлади, албатта. Бизнинг мақсадимиз ҳам халқимизни, айниқса ёш авлод маънавиятини юксалтириш, улар онгига инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришдан иборат,—деди жумладан йиғилишда сўз олган Республика

кенг эътибор қаратиш, айниқса ёшлар тарбияси, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласи энг долзарб вазифаларимиздан биридир.—Шунингдек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, аънаво ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат туйғуларини чуқур сингдириш ҳамда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этишга муҳим эътибор қаратишимиз керак.

Йиғилишда кун тартибига қўйилган масалалар атрофича муҳокама этилиб, ўринли фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ОНЛАРИ**

**БОЛАЖОНЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШИ, ЯХШИ ДАМ ОЛИБ, ХОРДИҚ ЧИҚАРИШ УЧУН ҚАТОР МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.**

Шундай тадбирлардан бири «Зилола» болалар соғломлаштириш ороғида «Ватан остонидан бошланади» мавзусида бўлиб ўтди. Учрашув 2008 йилнинг «Ёшлар йили» ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.

Ороғида иккинчи босқич бошланиб, Тошкент шаҳар ва вилоятидан келган 400 дан зиёд болажонлар хордиқ чикараётди.

— Менга бу ороғи жуда ёқди, — дейди 13 ёшли Махлиё Пардаева. — Ҳар куни турли хил тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилади. Китоб ўқиймиз, тўғаракларга катнашамиз, компьютер хонасида шугулланамиз. Деярли бўш вақтимиз бўлмайди, шу билан бирга мароқчи ҳам. Гуруҳимиз қизлари жуда иноқ, ҳамма бир-бири билан дўстлашиб кетган.

Таъкидлаш жоизки, ўзига яраша китоб фондига эга бўлган кутубхона, доимо дам олувчиларнинг саломадлигини назорат қилиб турувчи тиббий пункт, ошона, баскетбол, мини ва катта футбол майдони, бассейни ўзида қамраб олган спорт мажмуи, кино ва тадбирлар зали, «Еш улқашунослар» тўғарида фаолият олиб бориладиган синфхоналар барча-барчаси, хатто гўзал табиат ҳам болажонлар ихтиёрида.

Анжуманда адиллар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар иштирок этиб, болажонлар билан мулоқотда бўлишди. Учрашув давомида ЖИДУ «Ижтимоий гуманитар фанлар» филология фанлари номзоди Б.Сурбониев ҳамда тарих фанлари номзоди Р.Курбониевлар томонидан маърузалар тингланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг мазмун-моҳияти болажонлар тилида содда тарзда тушунириб берилди. Бундан ташқари, ёшлар ўртасидаги турли ноҳус ҳолатлар тўғрисида тўхталиб ўтилди. Жумладан, жиноятчилик, безорилик, гивъандлик каби ёмон иллатлар хусусида маълумотлар берилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази, Мирзо Улуғбек туман «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Маънавият тарғибот бўлими томонидан уюштирилган мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад Ватанга, она заминга, истиқлолга садоқат ва мустақиллик неъматларини эъзозлаш каби туйғуларни болажонлар онгига чуқурроқ сингдиришга қаратилган.

Тадбир доирасида қизиқарли савол-жавоблар, давра сўхбатлари, турли хил ўйинлар ўтказилди. Бундан ташқари, «Гулшан», «Феруза», «Юдуз» маданият уйлари санъаткорлари иштирокида музика кеча ташкил этилди.

**Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»**

**УСТОЗИНГДАН АЙРИЛМА**

Умр ўтган сари инсон ёшлигини кўмсаяверар экан. Болалик чоғларинг, мактабдош дўстларинг, таълим берган устозларинг бирма-бир кўз ўнгингдан ўтаверар экан. Яхши кунларни эслаб қувонар экансан. Ёшлиқнинг бебошлиқларини ёдга олиб баъзан мулзам тортаркансан. Ўйлаб қарасам, ёшлиқнинг қайноқ онлари ўтган мактабимизга бормаганимга ҳам анча бўлибди. Тахминан бундан 25 йиллар ҳамаси олдин жонқуяр партадошларимиз, елиб-югуриши билан мактабимизда тўпланиб 10-синфини битириб учирма бўлганимизнинг 30 йиллигини нишонлагандик. Ушунда ҳаёт бўлган устозларимиз билан юзма-юз учрашиб, ўтганларни хотирлагандик.

Яқинда набирамнинг қистови билан унинг битирув кечасига, ўзим ўқиган мактабимизга бордим. Очиғи, мактабимизни кўриб та-

Шу куни ҳаммамиз тантанادا қатнашдик. Ўтмишимизни ўқувчиларга ҳикоя қилдик. Бугунги дориломон кунлар билан ўтмишни таққосладик. Ёшларни бу озод, бахтли кунларнинг қадрига етишга ундадик. Охирида муаллим Фани ота келтирган ибратли ҳикоят ҳаммамизни диққатимизни ўзига тортиди.

— Мен устоз ва шоғирдларни мисоли пичоқ билан қайроқтошга ўхшатаман. Биласиз, пичоқ учун зарури қайроқтош. Агар қайралиб турилмаса бора-бора пичоқ ўтмаслиқ қолади,—деди ҳикоясини бошлади Фани ота. — Кунлар ўтиб яхши қайралган пичоқ, қайроқтошнинг нуғути уни менсимай қўйибди. Омади очилиб қўлдан қўлга ўтибди. Олдидан турган қайроқтошни энди келарисиз билиб, ташқарига улоқтирибди. Шунда қайроқтош унинг қилмишидан қотиб-қотиб қулибди.

—Ўз холинга қулясанми? —сўрабди пичоқ.

лан таншиб қолдим. У тиббиёт институтида ўқир экан. Кунлар ўтгани сари Сабохон билан бир-биримизга каттик боғланавардик. Бора-бора бир кун қуришмасак туролмайдиган бўлдик. Уялибми, ийманибми, Сабохон билан орамиздаги муҳаббатни ота-онамдан сир тутдим. Улар бундан беҳабар бир йиғинда яқин қариндошларимиздан бирининг қизини кўз остига олиб қўйибди. Орадан гап чиқиб унинг отасига шу ҳақда оғиз солишса у «Ўғлингиз яхши, одобли йигит, шундай йигитга қизимни берсам арзимабдим», дебди. Кейинчалик бу гани эшитиб лол қолдим. Онамга «Нега менад сўрамай иш тутдинглар» десам у: «Уйланадиган вақтинг бўлди, ўзинг индамаганингда кейин биз нима қилайлик. Ота-онанинг бурчи бўйича етган қизни турмушга бериб, ўғлини уйлантириш. Қўриб турибсан, қариб қолдик. Қўзимиз тириклигида сенинг олдиндаги қарзимиздан қутулайлик дедикда болам», деди.

**ГАП ЭҒАСИНИ ТОПСИН**

**ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ**

нимаи қолдим. Бутунлай ўзгариб кетибди. Биз ўқиган пасткам лой-сувоқ томли илимгоҳдан асар ҳам қолмабди. Унинг ўрнида қўш қаватли бир бино қурилибдики, кўриб оғзинг очилиб қолади.

— Келинг отахон,— дейди, биринчи бўлиб менга дуч келган йигитча. — Хуш келибсиз мактабимизга.

Бу қоматдор ўспирининг сертакаллуфлигини кўриб, ота-онангга, таълим берган устозларингга минг раҳмат дедиму унинг бошқарувида директор хонаси томон юрдим. Анвойи гуллар билан қопланган узун йўлакча бўйлаб кетдик.

Директор хонасида экан. У мен билан худди кадрдонлардек, қучоқ очиниб қуришди. Ўзбекона лутфдан сўнг сўради.

—Хизмат отахон? Қадамингизга хасанот. Келишим боисини эшитиб, хурсанд бўлиб кетди.

—Йўқ аксинча сенинг келажагингни ўйлаб қуляман,—дебди қайроқтош. —Кўриб турибсан, ярқираб, кескир бўлиб қўлдан қўлга ўтиб, одамларнинг хор-ҳолига яраб турибман. Шундай экан, келажагинг бундан ҳам порлоқ бўлиши ўз-ўзидан кўриниб турибдику,—дебди пичоқ манманлик билан.

Вақт ўтиб пичоқ ўтмаслашиб, одамларнинг назаридан қолибди. Шунда яна у қайроқтошга муҳтожлик сезибди. Чарчлиниб олиш учун унга ялинибди-ёлворибди. Афсуслар, у энди қайроқтош назаридан қолган экан.

Киссадан хисса шуки, инсон мансаб пиллапоярларидан хар қанча кўтарилмасин, у таълим берган устозини ҳеч қачон унутмаслиги керак. Устоз отангдек улуғ, таълим берган устозингдан айрилма, қари билгани пари билмас деганларининг маъноси мана шунда болажонларим.

**ЖАЗОСИЗ ЖИНОЯТ**

Устозинг бу гапи мени ҳам уйлантириб қўйди. Хизмат, кундалик юмушлар билан болагитинг ўтган мактабимга, таълим берган устозларини йиллар қадар нуғути қўйганимдан афсусландим.

Сўхбатдошим ёшигана, қадди қомати келишган ақли расо йигит. Хар сўзини ўйлаб адолат юзасидан гапирди. Унинг ҳажонли хикоясини берилиб тинлар эканман, хаёлга толаман. Қани энди ҳамма ҳам шу йигитдек бўлса, билиб билмай, баъзан турфа хаёллар ёки ёшлик гурури билан йўл қўйган ноҳуя қилмишига ақл тарозуси билан баҳо берса, ундан тўғри хулоса чиқарса, дейман.

Шу куни онамга бор гапни айтдим. Онам отамнинг олдиндан ўтган экан, у: «Шундай экан, писмиқ ўғлинг нега бизга буни олдинроқ айтмабди. Энди мен қариндошим бошланиб кетди. Тешик қулқок охири қизнинг ўзи бу ҳақда кимдандир эшитибди. Учрашдик. Мендан каттик ранкиди. Ниҳоят зарда билан ўрнидан туриб, тез-тез юриб кетди. Индамай унинг орқасидан тикилиб қолдим. Сабохон хаёллар оғушида катта кўчани кезиб ўтаётганда ўқдек учиб келаятган машина уни қаттиқ уриб юборди. Қиз касалхонада вафот этди. Оқ ўша кунлари чеккан азобларим. Ўзимни кўярга жой тополмасдим. Бир беғуноқ қизинг хайтига зомин бўлишда, каттик айбдор хис этиб ўзимни кечиролмасдим.

Орадан йиллар ўтиб, институти битириб ҳуқуқшунос бўлдим. Лекин ўзимни йиллар давоми кечиролмасдим. Бир бокира қиз олдиндаги ғуноҳимни қандай ювишни билмай юрдим. Қаранг отахон, бу ҳаётда шундай жиноятлар ҳам бўларканки у мутлақо жазосиз қоларкан. Бу қандай адолатсизликки, наҳот мен каби бировлар ўлимга билиб-билмай сабабчи бўлган инсонларга яраша бирор ҳукм бўлмаса? Ўзим ҳуқуқшунос бўла туриб, шунинг ечимини тополмайман. Мана сиз кўпни кўрган инсонсиз. Айтинг отахон, мен қандай жазога лойикман?

Унинг саволига жавоб бериш осон эмасди. Ўйлаиб қолдим. Охири: «На илож, қилмишингизни тўғри тушуниб етибсиз, тавба қилибсиз, шунинг ўзи кифоя. Энди ҳамма гап ўзгалар бундан тўғри хулоса чиқариб, сиз қилган хатони улар такоррламасликларидан» дедим.

Шуни ўйлаб пўшаймон йигитнинг барча айтганларини рўйи-роз қозоғга туширдим. Қиссадан хисса чикариш хар кимнинг ўзига ҳавола.

**Таълим Ўқув адабиётлари тизими**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИЙ ПЕДАГОГИКАНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ БИЛАН ҲАМ ШУҒУЛЛАНМОҚДА. БУ ЙИРИК БИЛИМ ДАРҒОҲИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШГА ДОИР ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАР ҲАМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.**

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан юзага келган бу янгилик жойлардаги махсус сиртки бўлимлар фаолиятини бошқаришни сифат жиҳатидан юқориға кўтариш имконини берди. Ўтган давр мобайнида зарур ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув адабиётлари тизими яратилди. Эндиликда сессиялар оралигида хар бир фаннинг мазмунини тўлиқ ишлаб чиқишга ва билим олишга қаратилган саволлар, тестлар ўйинли технологиялардан иборат мажмуалар ҳам юзага келди.

**АРХИТЕКТУРАНИНГ ЯНГИ СОҲАСИ**

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЕНГ ҚЎЛЛОҚ ЭЪЗАН БУГУНГИ КУНДА ШАҲАР ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИ МУТАХАССИСЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ ОРТИБ БОРМОҚДА.**

Бу соҳа кадрларини қўплаб тайёрлаш мақсадида Тошкент архитектура-қурилиш институтида ландшафт меъморчилиги бўйича алоҳида гуруҳ ташкил этилди. «Архитектура ва шаҳарсозлик» кафедраси ёрдамида ёш меъморлар шаҳар ландшафт кўринишига доир лойиҳалар устида изланишлар олиб бормоқда. Шаҳар ҳиббони, унинг табиати ва кўкаламзорлаштиришга оид мавзуда ҳам янги лойиҳалар тайёрланмоқда.

**БЕШТА ЛОЙИҲА — ГОЛИБ**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИДА МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР КЎРИК-ТАНЛОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ЯХШИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ.**

Навбатдаги бундай тадбирда атласлардан тикилган либослар намойиш қилинди.

Унда тўқимачилик саноати технологияси, матбаа, тўқимачилик кимёси технологиялари кафедралари талабалари фаоллик кўрсатди. Бешта энг яхши лойиҳа голиб деб топилди.

**ПЕДАГОГИК КЕНГАШ НИЗОМИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНА БИР ЙЎРИҚНОМА ТАЙЁРЛАНДИ.**

Педагогик кенгаш тўғрисидаги бу низомида педагогик кенгаш мактабга таълим муассасасидаги таълим-тарбия жараёнидаги асосий масалаларни ҳал қилувчи доимий фаолият кўрсатадиган орган ҳисобланиши кўрсатиб ўтилди.

Педагогик кенгаш таълим жараёнига, билим берилишига илғор усулларни, янги педагогик технологияларни ва техник-ахборот қўлланмаларни жорий этиш билан ҳам шугулланмади.

Кенгаш йўли билан кўрик-танловлар уюштирилиб, ота-оналар, маҳалла, мактаб билан ҳамкорлик ишлари ҳам ташкил этилади.

**МАРКАЗ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ**

**«ОИЛА, МАҲАЛЛА, МАКТАБ ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИ»НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАДБИРЛАРИ КЎРИЛДИ.**

Ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий-маънавий кўник-маларини оширишда педагогик ишларни яхши йўлга қўйиш мақсадида юзага келган бундай марказнинг намунавий низоми ҳам тайёрланади. Унга кўра марказ тарбиявий маънавий-маърифий жамоатчилик ташкилоти сифатида фаолият олиб боради.

Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, воғга етмаган ёшлар орасида содир этилиши мумкин бўлган ноҳус ҳолатларнинг олдини олиш каби жараёнлар ҳам амалга оширилади.

**ФАХРИЙ ЁРЛИКЛАР ТОПШИРИЛДИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ БИР ГУРУҲ ИҚТИДОРИ ТАЛАБАЛАРГА «ЭНГ ЯХШИ ТАДҚИҚОТ УЧУН» ДЕГАН ФАХРИЙ ЁРЛИКЛАР ТОПШИРДИ.**

Бундай хурматга аълочи талаба Музаффар Асомов ҳам сазовор бўлди.

Бу изланувчан толиби илм республика фан олимпиадасида микробиология ва иммунология фанлари йўналишида фаоллик кўрсатиб совринли ўринини ҳам қўлга киритди.

**Албек АЛИЕВ**



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ ҲИКМАТЛАР

Киши то тамиздан ажралмаса гар, Тилло-кумуш кайфи унга беасар. Одамзод ҳамма вақт кўйганда хино, Бехис тирноқларга яхшироқ юқар.

Тадбирсизлар доимо офатга нишон, Тошга бош урар кимда бўлмаса эс-хуш.

Синовдан жуда кўп ўтганки, шамшир Уста кўндин кесар сайқал махали.

Йўқликнинг хаёли ҳам ўзинча бир ажиб олам.

Рухни ўлимдан ўзга поклантиргувчи йўқдир.

Кўзларим гоҳ ғафлат, гоҳ ҳайратдан юмук, Бахт тўласанг, жаҳон изтироб сотар.

Бу борлик бир кибр, умри дақиқа, Одам уйқуси мангу... чал тарона.

Кесиб чиқмоқ кийиндир нафс тузоғин, Қанотинг бўлса ҳам гар ханжарона.

Аланга пастга тушмайди кул этмай ямлаган зотин.

Эй олам ҳолидан беҳабар одам, Баланг мартабангдан керилма ҳар дам. Бошанг узра соя солган бу девор, Эртага топталиб топади барҳам.

То чарх айланмоққа бермаса барҳам, Таъсири тўхталиб қолмағай бир дам. Жим ётган тошлар ҳам айланур лалъга, Доим ишдадур тинч кўринган тош ҳам.

Бировга бир нарса айласанг эҳсон, Номини тилинган олмагил осон. Ул нарсанинг номин тилинган олсанг, Инъомингни қайтиб олгандан ёмон.

Мард касбу қорига бўлса ахлоқ ёр, Киндан тиг чикармоқ унинг учун ор. Табассум билан иш топса саранжом, Тириштира кўрма пешонанг зинҳор.

Кимдаки дағал феъл бўлмиш намоён, Билмидон бўлса ҳам, нафратга нишон. Оламни забт этар гўзаллик, билсанг, Ахлоқни хусндир, шуни де ҳар он.

Ким бўлса ҳасадчи, юраги қаро, Кўрмас яхшиларга яхшилик раво. Хўмо холини танг кўрмоқ қасдида Қарга устихонни кўмар хок аро.

Кўлингдан чиқса ҳам неъмату матлаб, Хасисдек дод солма, саховат тилаб. Бу қавмда кумуш зар бўла туриб, Дод, ҳасрат ила жон бермоғи ажаб.

Бу мукофот мулкин паст-баланди бор, Тажриба қилмишлар донолар бисёр. Дерлар қудрат чоғинг ҳеч кимга зулм — Қилма, заифликда кўрмайсан озор.

Ходимингдан ўтган бўлса хатолик, Собиқ хизматларинг ёд айлагил, ёд.

Ожизларни топташ бу олам иши, Бу майдонда зинҳор нотавон бўлма.

Эй дон, сен рози бўл, қутулолмайсан — Ун бўлиб янчилмай бул тегирмондан.

Шу боис, барча муҳофаза хизматларини ҳушёрлик тадбирларига жалб этиб, уни мувофиқлаштириб туриш талаб этилади. Ҳолбуки, табиий офат қандай кўринишида бўлмасин, у вақт, мавсум танламайди.

Хаммамизга маълумки, зилзила — ер силкиниши табиий офатлар ичидан энг хавфлиси ҳисобланади. Бино ва иншоотлар вайронга айлангани, минглаб одамларнинг ёстигини қуритибгина қолмай, балки ёнган ва портлаш хавфини юзага келтириши, сув ва электр таъминоти узилишилари ва бошқа йирик талафотлар келтириши мўқаррар. Хўш шундай экан, табиатнинг қалтис синовларига шайлик қандай?

Миробод туманида туман Фуқаро муҳофазаси хизматлари бошқарув органлари раҳбарлари томонидан «Миробод тумани ҳудудида талафотли (8-9 балли) зилзила содир бўлганда уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича барча туман фуқаро муҳофазаси хизматларининг ҳаракати» мавзусида ўтказилаётган кўмондонлик-штаб ўқув машқи чоғида бажарилган амалий ишлар биз юқорида санаб ўтган саволларга муайян жавоб бўла олади, десак муболага бўлмас. Саратон синови сабоқларига дош бериб, катта тайёргарлик ишларини бошлаб юборган муҳофаза хизматларининг сайёҳаракатлари қандай баҳога лойиқ топилди?

Миробод туман ҳокимлигининг мажлислар залида туман ҳокими — Фуқаро муҳофазаси бошлиғи А. Тўраев, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи полковник Э. Икромов раҳбарлигида туман Фуқаро муҳофазаси хизматлари объектлари ва ўқув муассасалари раҳбарлари ҳамда ўрганувчилар иштирокида кўмондонлик-штаб ўқув машқи ўтказилди.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи томонидан туман Фуқаро муҳофазаси хизматлари бошқармасининг соҳа йўналиши бўйича билимлари турли вазиятлар мисолида тўғри қарор қабул қилиш юзасидан синовдан ўтказилди. Иқтисодиёт объектларининг фавқулодда вазиятларда барқарор фаолият кўрсатиши, жабрланганларга тез тиббий ёрдам кўрсатиши, таълим муассасаларида хабар бериш сигнали бўйича ҳаракат қилиш, ўзига ва атрофдагиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсата билиши, шах-

сий ва жамоа муҳофаза воситаларидан фойдалана билиш кўникмаларини ҳосил қилиш, аҳолини эвакуация қилиш тадбирларини ташкиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Туман Фуқаро муҳофазаси хизматлари томонидан машқ давомидан канал ва ариқларни тозалаш, электр тармоқлари ва йўллар-

маҳсус-тактик ўқув машқи билан бошланди.

Шу кун Миробод туман ҳудудида жойлашган барча корхона ва ташкилотлар, иқтисодиёт объектлари, ўқув муассасалари раҳбарлари иштирокида туман ҳокимлигида кўмондонлик-штаб ўқув машқининг навбатдаги босқичи бўйича Тошкент ша-

ти ва Фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари мавзусида маҳсус-тактик ўқув машқида фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ҳамда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни хавфсиз жойга эвакуация қилиш бўйича амалий ҳаракатлар намойиш этилди.

Кўргазмали амалий маҳсус-тактик ўқув машқида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи полковник Э. Икромов раҳбарлик қилди.

Миробод туман ҳокимлиғи биносида кўмондонлик-штаб ўқув машқининг якуний муҳокамаи ўтказилди. Муҳокама чоғида туман Фуқаро муҳофазаси хизматлари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф этишга тайёр эканлиги қайд этилди.

Хамкорликда ҳикмат бисёр, дейдилар. Миробод тумани ҳудудида бўлиб ўтган кўмондонлик-штаб ўқув машқи ўзининг кўлами ва нуфузи билан бошқа тадбирлардан алоҳида ажрალიб турди. Негаки, машқ давомида иштирокчиларнинг аҳулиғи, ҳамқору хамфирклиги тадбирнинг муваффақиятли ўтишини таъминлади, десак муболага бўлмас. Айниқса, туман Фуқаро муҳофазаси барча хизматлари фаол қатнашганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Кўргазмали амалий маҳсус-тактик ўқув машқи давомидан талафотли (8-9 балли) зилзила содир бўлганда иқтисодиёт объектида юзага келган фавқулодда вазиятларнинг бартараф этиш, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини бир меъёрида давом эттиришга йўналтирилган тадбирларни амалга оширишда барча фуқаро муҳофазаси хизматларининг биргаликдаги ҳаракатлари синовдан ўтказилди.

Уч кун давомида машқнинг боришини қузатар эканми, ҳамжихатлик ва хамкорликда олиб борилган сайёҳаракатлар қутилан самарасини беришига амин бўлдик. Машқнинг ана бир муҳим жиҳати, иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлаши, ён-атрофга хавф солмай меъёрида фаолият кўрсатиши, экологик мувозанатнинг сақланишига муайян хизмат кўрсатиши, шубҳасиз.

Азамат СУЙОНОВ

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан БИДИМ ВА МАҲОРАТ СИНОВДАН ЎТДИ

БАРЧАМИЗГА АЁНИК, РЕСПУБЛИКАМИЗ СЕЙСМИК ФАОЛ ҲУДУДЛАР СИРАСИГА КИРАДИ. ХУСУСАН, ПОЙТАХТИМИЗ ҲУДУДИ ҲАМ БУНДАН МУСТАСНО ЭМАС. ХАЛҚИМИЗ ТАБИАТНИНГ БУНДАЙ ҚАЛТИС СИНОВЛАРИГА ИЛГАРИ БИР НЕЧА БОР ДУЧ КЕЛГАНИ, КАТТА ЙЎҚОТИШЛАР ВА ТАЛАФОТЛАР КЎРГАНИ ТАРИХДАН МАЪЛУМ. ЧУНОНЧИ, ХАВФ РЎЙ БЕРМАЙ ТУРИБ, УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, ҚУТИЛМАГАН ОФАТЛАР ЮЗ БЕРГУДЕК БЎЛСА УНИНГ ЗАРАРЛИ ОҚИБАТЛАРИНИ ЗУДЛИК БИЛАН БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИГА АВВАЛДАН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ КОНИ ФОЙДА.

ни таъмирлаш, туман ҳудудларини чиқиндилардан тозалаш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилди.

Дастлабки тадбир «1-сонли оилавий поликлиника ҳудудида зилзила содир бўлганда касалларни хавфсиз жойга кўчириш ва эвакуация қилиш ишларини ташкил этишда объект раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари» мавзусида тиббиёт ходимлари ва хизматчилари томонидан дала шароитида ташкил этилган шифонада амалий маҳсус-тактик ўқув машқи билан бошланди. Куннинг иккинчи ярмида «Миробод тумани ҳудудида талафотли (8-9 балли) зилзила рўй берганда туман электр тармоқлари корхонасининг ҳаракатлари» мавзуси бўйича давом этди.

Кейинги тадбир «Узэлектроаппарат-Электротит» ОАЖ қўшма корхонасида «Зилзила содир бўлганда компрессор қоқмага кучли таъсир этувчи захарли модда тўқилганда объект раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари» мавзусида

ҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, туман Фуқаро муҳофазаси хизматлари бошқармасининг қалтис вазиятлар чоғида тўғри қарор қабул қилиш юзасидан соҳа йўналиши бўйича билимлари синовдан ўтказилди. Унда иқтисодиёт объектларининг фавқулодда вазиятларда барқарор фаолият кўрсатиши, жабрланганларга тез тиббий ёрдам бериш, таълим муассасаларида хабар бериш сигнали бўйича ҳаракат қилиш, ўзига ва атрофдагиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсата билиш, шахсий ва жамоа муҳофаза воситаларидан фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш, аҳолини эвакуация қилиш тадбирларини ташкиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Куннинг иккинчи ярмида «Тошкент темир йўл станциясининг электр марказлаштириш пости ҳудудида зилзила содир бўлганда фуқароларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва хавфсиз жойга эвакуация қилиш ишларини ташкил этишда объект раҳбария-

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ВА «ЭКОЛОГИЯ ХАБАРНОМАСИ— ЭКОЛОГИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК» ЖУРНАЛИ ТОМОНИДАН «ЕШЛАР ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАБ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ҚАДРДОН ШАҲРИМИЗ ЭКОЛОГИЯСИ» БОЛАЛАР РАСМ-КЎРИК ТАНЛОВИ 2008 ЙИЛНИНГ ТЎРТ ОЙИ ДАВОМИДА ЎТКАЗИЛДИ.

Бу танловда 5 ёшдан 14 ёшгача 137 нафар болалар шаҳарнинг бугунги кунги экологияси, экологиянинг келажакдаги тасаввурлари бўйича ишланган 150 дан ортиқ расмлари билан қатнашдилар. Кўрик-танлов ўз олдига бир қанча вазифаларни қўйди. Булар болаларда атроф-муҳитга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, она табиати севиши, шаҳарнинг ҳозирги кун экологияси ва келажакнинг тасвир қилишидир.

Кўрик-танлов ишлари хайрат аъзолари томонидан болаларнинг

ёшига қараб икки гуруҳ йўналишида кўриб чиқилди ва ғолиблар аниқланди.

Биринчи гуруҳда Феруза Эшматова—биринчи, Дарья Тимофеева—иккинчи ва Дурдона Мақсудова—учинчи ва иккинчи гуруҳда Анвар Ёқубов—биринчи, Акмал Каримов—иккинчи ва Довуд Ҳасанбоев—учинчи ўринга лойиқ деб топилдилар.

Кўрик-танлов ғолибларига Бутунжаҳон атроф-муҳит кун муносабати билан Ўзбекистон Давлат санъат музейида ўтказилган тад-

бирда тантанали равишда диплом ва қимматбаҳо мукофотлар топширилди.

Кўрик-танловда қатнашган қолган барча иштирокчиларга Бутунжаҳон атроф-муҳит кун ва Ўзбекистон Республикаси табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ташкил этилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Фафур Фулом номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилган байрам тадбирида эсдалик совғалари тўхфа этилди.

Мурод МИРПЎЛАТОВ



Кўзларингизда доимо бахтиёрлик, қувонч порлаб турсин қизалоқ. Нўмон Муҳаммаджонов олган сурат-лавҳа

Спорт янгиликлари

ТОШКЕНТЛИК ТЕННИСЧИЛАР БИРИНЧИ

САМАРҚАНД ШАҲРИДА РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING САМАРҚАНД ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ТАШАБУСИ БИЛАН СТОЛ ТЕННИСИ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН РЕСПУБЛИКА ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАМДА БАРЧА ВИЛОЯТЛАРДАН КЕЛГАН ЖАМОАЛАР ҒОЛИБЛИК УЧУН ЎЗАРО КУРАШ ОЛИБ БОРИШДИ.

Шиддатли курашлар остида кечган беллашувлар мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида стол теннисини ёшлар ўртасида оммалашиб бораётганини яна бир қарра исботлади.

70 дан ортиқ хаваскор спортчи иштирок этган ушбу баҳслар якунида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи ўринни кўлга киритган бўлса, самарқандликларга иккинчи ўрин насиб этди. Бухоро вилояти жамоаси учин-

чи ўрин билан кифояланди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндор жамоаларга мутасаддилар томонидан таъсис этилган совринлар ва эсдалик совғалари тўхфа этилди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ОЛТИН МЕДАЛАР СОҲИБЛАРИ

РОССИЯНИНГ КРАСНОЯРСҚ ШАҲРИДА ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР ЎЗБЕКИСТОНЛИК ПОЛВОНЛАРГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Гап шундаки, дунёнинг 16 мамлакатидан келган полвонлар орасида ғолиблик учун гиламага чиққан Маъруф Нуриллаев ва Амирхон Мирзаевлар ўз вази тоифаларида турнирнинг энг маҳоратли спортчиси эканликларини исботлашди ва биринчи ўринни кўлга киритиб, олтин медаллар эгасига айланишди.

Умидли ёш полвонларимиз Сўбхон Топшўлатов ва Аслонбек Гадовларга эса ўз вази тоифаларида иккинчи ўрин насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)

МИНИ-ФУТБОЛ ФЕСТИВАЛИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ ЙЎЛИДА КАТТА САЪ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007-йил 31 январдаги «Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини рағбатлантириш ва моддий-техник базасини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда иқтидорли ёшларни спортга кенг жалб этиш, ишончли захирани шакллантириш ҳамда болалар-ўсмирлар футболни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ёш футболчиларнинг маҳоратини ошириш ва спорт соҳасидаги ютуқларини рағбатлантириш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан ҳам кенг қўла-

даги ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, яқинда Учтепа туманидаги 32 та умумтаълим мактаблари ўқувчилари жамоалари ўртасида мини-футбол бўйича футбол фестивали бўлиб ўтди. Унда 1995-1996- йилларда тузилган ўқувчилардан иборат жамоалар қатнашдилар. Ҳаётда мароқли ва шиддатли ўтган ўйинларда галаба қозонган 236- ҳамда 193- мактаб спортчилари ҳал қилувчи беллашувада ўзaro тўп сурдилар. Натижанда 193- мактаб жамоаси ғолиблигини кўлга киритиб, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан диплом ва спорт кийимлари билан тақдирланди. Турнирнинг энг яхши ўйинчиси, энг яхши дарвозабони, энг яхши ҳимоячиси ва энг яхши ҳужумчиси каби номи-

нациялар бўйича ҳам рағбатлантирувчи совғалар улашилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастурий ижросини таъминлаш мақсадида ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган бундай мусобақалар шахримиздаги қолган туманларда ҳам ўтказилмоқда.—дейди биз билан суҳбатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали Оммавий тадбирлар бўйича мутахассиси Нилуфар Абдувоитова.—Мана яқинда Чилонор туманида 1992- 1993 йилда тузилган воёга етмаган ёшлар ўртасида спортнинг футбол ва волейбол турлари бўйича туман биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Ушбу мусобақаларни ташкил этишдан асосий мақсад эса воёга етмаган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бўш вақтини тўғри шакллантириш, спорт мусобақаларида қизиқишларини оширишдир. Шу орқали эса ёшларни жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, турли ёт гоғяларга эргашиб каби иллатлардан асрашга қаратилган.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Мунажжим башорати

4 июль, жума

Бугунги кун рамзи — оғиз, у инсонлардаги очкўзлик, ҳамма нарсани эгаллашга интилиш тўғрисидаги жунбушга келтираркан. Лекин фақат саҳийлик билан боримизни тарқатибгина ўзимизга ёққан янги нарсаларни олишимиз мумкин экан. Зеро, инсонга у истаган нарсаларига мўл-кўл қилиб берилади, дейишда мунажжимларимиз.

Ҳокимият вакиллари билан боғлиқ ҳаракатларни бошлаш, никоҳ, қимматбаҳо тошли зеб-зийнатларни тақийш, берилган ваъдаларни бажариш хайрли бўлади. Мабодо, бугун биров бизни хафа қилиб қўйса, унга мулоим табассум билан жавоб беринг, унга нисбатан кеҳиримли ва олижаноб бўлишга ҳаракат қилинг. Чунки айнан шу одам келажакда сизнинг энг яхши дўстингизга айланиши ва қийин дамларда сизга мададкор бўлиши мумкин.

Шу кунлари эҳтиёткор бўлиб, саломатлигингизга эътибор қилишингиз керак. Сурункали инфекцияли касалликларнинг зўрайиши эҳтимоли бор. Кўзлар ва асаб тизимига алоҳида эътибор қилиш лозим. Электр-магнит таъсири билан боғлиқ муолажалар тавсия этилмайди. Турли хил сув муолажалари, саунага тушиш хайрли бўлади.

Тушларингиз нималарга қарши курашингизга тўғри келиши ҳақида огоҳлантиради. Ҳаётингиз воқеалари тушингиздаги ҳодисаларга ҳамохан бўлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошлангич баҳоси охири бориш тартибда бўлиб ўтадиган ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2008 йил 29 июль кун соат 11.00 да бўлиб ўтадиган тақририй аукцион савдосига Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1.ЖИБ Юнусобод туман судининг 11.12.2007 йилдаги 1-949/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлимида сақланаётган «Нексия» русумли, д/р 10С8888 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси—9 803 000 сўм.

2.ФИБ Учтепа туманлараро судининг 18.02.2008 йилдаги 1-983/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 11-масканида сақланаётган «Mitsubishi 3000GT» русумли, д/р 10Н0933 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси—52 000 000 сўм.

3.ФИБ Учтепа туманлараро судининг 13.12.2007 йилдаги 1-22521/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 11-масканида сақланаётган, «Jeep Land Rover» русумли д/р йўқ, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси—80 309 136 сўм 97 тийин.

Маъзур автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотэкабанк» С.Рахимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. МФО-00901, ИИН: 200933850, ҳ/р: 20210000500571452105. Манзил: Тошкент шаҳри, С.Рахимов тумани, М.Ураббоев кўчаси, 1-А-уй, Тел: 228-79-52 www.rkmb.uz.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ. Буюртма Г-606

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар М-буот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 2641 нусxada босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади. «Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6